

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА?

**Хасанов Дилшод Шухратович**

*Бекобод туманлараро иқтисодий судининг судьяси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада инсон ҳуқуқлари ўзи нима, нималарда намоён бўлади, қандай ҳуқуқлар мавжуд, бу борада давлатимиз раҳбарининг фикрлари қонунчилигида белгилаб қўйилган қоидалардан иборат.

**Калит сўзлар:** инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари турлари, Конституция ва қонунлар, давлатимиз раҳбарининг мурожаати.

## ЧТО ТАКОЕ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА?

**Хасанов Дилшод Шухратович**

*Судья Бекабадского межрайонного экономического суда*

**Аннотация:** В этой статье мы поговорим о том, что такое права человека, в чем они проявляются, какими правами они обладают, правила, установленные законодательством, мнения главы государства на этот счет.

**Ключевые слова:** права человека, виды прав человека, Конституция и законы, обращение главы государства.

Инсон ҳуқуқлари зирҳга ўхшайди: улар инсонни ҳимоя қилади; улар қоидаларга ўхшайди, чунки улар инсонни ўзини қандай тутиш кераклигини белгилайди. Улар ҳиссиётлар сифатида мавҳумдир ва ҳиссиётлар сифатида улар атрофида нима бўлишидан қатъи назар, ҳаммага тегишли ва мавжуддир. Улар табиатга ўхшайди, чунки уларни оёқ ости қилиш мумкин, лекин руҳ каби, чунки уларни йўқ қилиб бўлмайди. Вақт каби, улар ҳаммамизга тенг муносабатда бўлишади: бой ва камбағал, қари ва ёш, оқ ва қора, баланд ва калта. Улар бизга ҳурматни таклиф қилишади ва бошқаларга ҳурмат билан муносабатда бўлишимизни талаб қилишади. Биз баъзан меҳрибонлик, ҳақиқат ва адолат таърифида фарқ қилишимиз мумкин, лекин улар билан ҳаётда учрашганимизда, биз уларни албатта таниймиз.

Инсон ҳуқуқлари тушунчаси иккита асосий қадриятга асосланади: биринчиси-инсон кадр-қиммати, иккинчиси-тенглик. Инсон ҳуқуқларини кадр-қиммат билан яшаш учун зарур бўлган асосий меъёрларни белгиладиган нарса деб тушуниш мумкин ва уларнинг универсаллиги, ҳеч бўлмаганда, барча одамлар тенг эканлигидан келиб чиқади. Биз бу ерда ҳеч кимни ажратмаслигимиз керак. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари тушунчасини қабул қилиш учун бу икки эътиқод ёки қадриятни тан олиш кифоя ва улар билан ҳеч ким баҳслашмайди. Шунинг учун инсон ҳуқуқлари бутун дунё маданияти, барча цивилизациялашган ҳукуматлар ва барча асосий динлар томонидан қўллаб-

қувватланади. Давлатнинг кучи чексиз ёки ўзбошимчалик билан бўлиши мумкин эмаслиги деярли ҳамма томонидан тан олинган, у ўз юрисдикциясидаги барча кишиларга инсон қадр-қиммати ҳисси билан яшашлари учун минимал шароитларни таъминлаш зарурати билан чекланиши керак.

Ушбу иккита асосий қадриятдан бошқаларни чиқариш мумкин ва уларнинг ёрдами билан одамлар ва жамиятлар амалда қандай яшаши кераклигини аниқлаш аниқроқ бўлади. Масалан:

**Озодлик:** чунки инсон иродаси инсон қадр-қимматининг муҳим қисмидир. Бизнинг иродамизга қарши бирор нарса қилишга мажбур бўлиш инсон шахсиятини камситади.

**Бошқаларга ҳурмат:** чунки бошқаларни ҳурмат қилмаслик уларнинг индивидуаллиги ва инсоний қадр-қимматини баҳолашга имкон бермайди.

**Дискриминацияга йўл қўймаслик:** чунки одамларнинг инсон қадр-қимматида тенглиги биз одамларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини уларнинг жисмоний ёки бошқа хусусиятларига қараб баҳолай олмаслигимизни англатади.

**Бардошлик:** чунки мурасасизлик фарқларни ҳурмат қилмасликдан далолат беради ва тенглик ўзига хослик ёки бир хилликни англатмайди.

**Адолат:** чунки инсониятга тегишли бўлган одамлар адолатли муносабатга лойиқдир.

**Масъулият:** чунки бошқа одамларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳар бир инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини англатади ва ундан ўз ҳуқуқлари ва барча одамларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган ҳаракатларни талаб қилади.

Ҳозирда инсон ҳуқуқлари ҳар бир демократик давлат сиёсатида муҳим ўринга эга. Нега деганда, инсон – бу шахс, ҳуқуқ назарияси бўйича – бу жисмоний шахс ҳисобланиб, ҳар бир демократик давлат унинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга мажбур. Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг ажралмас қисмидир, бу эса уларни ҳаётда амалга ошириш имкониятини англатади. Инсон ҳуқуқлари деганда ҳар қандай замонавий жамиятда шахснинг ҳуқуқий мавқеини тавсифлаш учун зарур бўлган ҳуқуқлар тушунилади. Ҳаммамизга маълумки, одатда инсон ҳуқуқлари бир томондан фуқаролик ва сиёсий, иккинчи томондан ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга бўлинади. Шундан келиб чиқиб, бизнинг асосий қонунимиз – Конституциямизда ҳам инсон ҳуқуқлари алоҳида ўринга эга, керак бўлса асосий объект сифатида олинган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизми айнан Конституциямиздан келиб чиқишини кўришимиз мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиши, унинг тизимида марказий ўринни эгаллайди, унинг ваколатларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни кўриб чиқиш киради. Бош Ассамблея ушбу масалалар бўйича махсус резолюциялар таёрлаган (махсус, гуманитар ва маданий масалалар бўйича). Бундан ташқари, инсон

ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномаларга мувофиқ махсус ташкилотлар тузилган: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Ирқий камситишни тугатиш қўмитаси, Қийноқларга қарши қўмита, Бола ҳуқуқлари қўмитаси.

Юқоридан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари барча давлатлар томонидан тартибга солинган халқаро ҳуқуқнинг бутун бир соҳаси, шунинг учун инсон ҳуқуқлари институти миллий ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан биридир. Инсон ҳуқуқларининг асосий тамойилларини амалга ошириш ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий баҳосини белгилайди. Шунга асосланиб, миллий ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларининг ўрни жуда катта. Бунга яққол мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 моддасини келтиришимиз мумкин: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” ёки 19 моддасини ҳам келтиришимиз мумкин “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”[2]. Буларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқларинг нақадар Ўзбекистон учун муҳим ўрин касб этгани ва этаётганини кўрсатиши мумкин. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқдаги энг катта механизмларидан бири сифатида, албатта биз, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Биль мажмуаси номини олган халқаро ҳужжатларни айтиб утишимиз керак деб ўйлаймиз. Булар: 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси, 1966 йилдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ва 1966 йилдаги инсон ҳуқуқлари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактларнинг ва уларга бириктирилаг Протоколлар ҳисобланади. Бундан ташқари БМТ низомида ҳам инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғрисидаги қоидалар мавжуд. Умумий қилиб айтганда, Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари – бу ҳар қандай замонавий жамиятда инсоннинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи тамойиллар ва нормалар мажмуи дея оламиз.

Инсон ҳуқуқларига эътибор давлатимиз раҳбарини ҳар бир муурожаатларида алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга муурожаатларида бу ҳақда қўйидагиларни таъкидлаб ўтишган:

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди.

Суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20-25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди.

Шу сабабли парламент яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгитдан қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Қонунчиликни янгилашдан мақсад – фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди, деб ўйлайман. Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Шу тариқа 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён ечилмасдан келаётган муаммолари ҳал этилади.

Биз Ўзбекистоннинг 2021-2023 йиллар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши масаласини изчил илгари суриш ниятидамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқишни таклиф этган эдик. Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ёшлар ҳуқуқларига бағишлаб ўтказиш ва унда ушбу конвенция лойиҳасини муҳокама этишни таклиф қиламан.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни ҳам тезлаштиришимиз керак.

Юқоридаги мурожаатда келтирилган масалалар бўйича берилган давлат раҳбарининг таклифлари ва топшириқлари инсон ҳуқуқларига нақадар алоҳида эътибор берилаётганидан далолатдир.

Мустақил демократик йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимиз манфаатлари кўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг II боб 13 моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва Қонунлар билан ҳимоя қилинади” дейилган.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳам шу каби эзгу ишларни амалга оширишга камарбасталик қилмоқда. Жорий йил 31 октябрь куни Марказ ташкил этилганлигига 18 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида мазкур Марказ ўз олдидаги ўта долзарб саналган миллий ҳаракат режасини тузиш, Конституциямиз, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умуметироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотлар ўтказиш каби вазифаларни муваффақиятли адо этиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намойиш қилиш, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгилинишлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 25.01.2020 йил.
3. <https://adolatmarkazi.uz/uzs/news/news/>
4. <https://www.coe.int/ru/web/compass/>
5. <https://constitution.uz/uz/>